

аркалы анықлайды. Нәтижеде, оқыўшылардың географиялық билим компетенциялары қәлиплеседи.

Әдебиятлар

1. Гуламов П., Курбаниязов Р. Тәбийий география басланғыш курсы. -Т.: 2011.
2. Пашканга К.В. Физическая география для подготовительных отделений вузов. -М.: «Высшая школа». 1991.
3. Завриева В.Г. Пособие по географии для поступающих в вузы. -Минск: 1978.
4. Умурбаев Е.У. Географиялық терминлер менен атамалардың орысша-қарақалпақша сөзлиги. -Н.: «Билим». 1993.

РЕЗЮМЕ

Бу мақалада география дарсида амалий масалаларни ечиш оркали ўқувчиларнинг математик саводхонлигини, компетенциясини ривожлантириш усуллари кўрсатилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются приёмы развития математической компетенции учащихся через решение практических задач на уроках географии.

SUMMARY

The article deals with the methods of development of learners' mathematic competency through the solution of practical tasks at the lessons in Geography.

ТАЛАБАЛАРДА ИНГЛИЗ ТИЛИГА АСОСЛАНГАН МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

С.Т.Ширматов - катта ўқитувчи

Ўзбекистан Республикаси Давлат Божхона Қўмитаси

Олий ҳарбий божхона институти

Таянч сўзлар: талаба, инглиз тилига асосланган мулоқот, мулоқот маданияти, интерфаол таълим, интерфаол метод, “Тоифалаш” методи, “Тугурт доналари” стратегияси.

Ключевые слова: студент, общение на английском языке, культура общения, интерактивное обучение, интерактивный метод, метод “Категорирование”, стратегия “Спички”.

Key words: student, communication in the English language, the culture of communication, interactive learning, interactive method, method of “Categorization”, strategy of “Matches”.

Ўзбекистоннинг миллий мустақилликка эришиши барча соҳаларда ривожланиш учун янги имкониятларни юзага келтирди. Айнан мустақиллик йилларида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби таълим тизимида ҳам ривожланган хорижий мамлакатларнинг ўқитиш борасидаги тажрибалари билан танишиш, уларни амалиётга татбиқ этишга эришилди. Хусусан, хорижий мамлакатлар амалиётида қўлланилаётган интерфаол таълим, интерфаол таълим технологиялари ҳамда интерфаол методлар билан танишиш асосида таълим жараёнини сифатли ташкил этиш, самарадорлигини оширишга муваффақ бўлинмоқда. Эндиликда узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида интерфаол таълим, уни ташкил этиш технологиялар ва интерфаол методлар ўринли, мақсадли, изчил қўлланилмоқда.

Мазкур ўринда интерфаол таълим, интерфаол таълим технологиялари ҳамда интерфаол методлар каби тушунчалар моҳияти билан танишиш талабаларда мулоқот маданиятини ривожлантиришга қаратилган педагогик фаолият йўналишининг тўғри танланишига ёрдам беради.

Педагогик манбалардан бирида “интерфаол таълим” тушунчаси қуйидагича ёритилади: **интерфаол таълим** (лот. “интер” – оралиқ, ўртаси, ўзаро) – ўқитиш жараёнининг асосий иштирокчилари: ўқитувчи, ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозаралар, ўзаро фикр алмашиш асосида ташкил этиладиган таълим тури [4:83-84].

Яна бир манбада тушунчага шундай таъриф берилган: интерфаол таълим – талабаларнинг ўзаро фаолияти тарзида намоён бўладиган билиш фаолиятининг махсус ташкилий шакли [2].


Дарҳақиқат, муаллифлар қайд этганидек, интерфаол таълим ўқув жараёнида ўқувчи (талаба)ларнинг ўзаро, биргаликда ҳаракат қилиш оркали билим, кўникма ва малакаларни самарали ўзлаштиришга эришишлари учун шароит яратади. Юқорида келтирилган манба ва мавзуга оид маълумотларни ёритувчи яна бошқа адабиётлар билан танишиш асосида шунини эътироф этиш мумкинки, интерфаол таълим ўқув материали (мавзу ёки муаммо)ни жуфтлик (талаба-талаба), кичик гуруҳ (талаба – талабалар гуруҳи) ва жамоа (талаба – талабалар жамоаси)да, шунингдек, ахборот-коммуникацион технологиялар билан бевосита мулоқотга киришиш воситасида пухта ўзлаштириш имкониятини яратади.

Интерфаол таълим жараёнида талабалар ўртасида юзага келадиган ўзаро мулоқот ўрганилаётган мавзу, ҳал этилаётган муаммо юзасидан ҳар бир талабанинг эркин фикр билдириши, шахсий ёндашув, қарашларни баён этиш ва асослаш, муаммоли вазиятларнинг ечимларини биргаликда излаш учун зарур шарт-шароитни яратади. Ўз моҳиятига кўра интерфаол таълим:

1) ўқув (ўқув фани асосларини ўзлаштириш, назарий тушунчаларни мустаҳкамлаш, бойитиш);

2) тарбиявий (ижтимоий-тарбиявий; интерфаоллик, талабаларнинг бир-бирлари билан муносабатда бўлишлари, ўзаро бир-бирларини тинглашлари, тушунишлари, бир-бирларини қўллаб-қувватлашлари, бир-бирларини ҳурмат қилишлари, қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, ўзаро яқинлик ҳамда руҳий бирликка эришишлари);

3) ривожлантирувчи (ўқув материалига таянган ҳолда муайян вазият, жараён ва объектларни таҳлил қилиш, синтезлаш, қисман изланиш, ижодий фикрлаш, ғояларни илгари суриш, кўп фикрлиликни қарор топтириш,



Талаба ва ўқитувчининг анъанавий ва ноанъанавий таълим жараёнида эгаллаган ўрни

рефлексия) характер касб этади.

Интерфаол таълим жараёнида талабаларнинг фаолиятлари: бир-бирлари билан ўзаро ҳаракат қилиш; ўзаро аҳборот алмашиш; муаммони биргаликда ҳал қилиш; муаммони ҳамкорликда моделлаштириш; бир-бирларининг ҳамда ўзларининг ҳаракатларини баҳолаш; муаммони ҳал қилиш юзасидан реал ишчанлик муҳитини ҳосил қилишга асосланади.

Ўқув машғулоти жараёнида интерфаол методлардан фойдаланиш бир қатор афзалликларга эга. Улар: талабаларнинг таълим олишга бўлган қизиқишларини оширади; ҳар бир талабанинг машғулотларда фаоллик кўрсатиши учун зарур шароитни юзага келтиради; талабалар ўқув материални ўзлаштиришда юқори кўрсаткичларни қайд этади; уларнинг бир-бирларига ҳиссий-иродавий таъсири кучаяди; ўзаро ёрдам, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, бошқаларни тинглаш, уларнинг фикрига нисбатан ўз муносабатини билдириш, ўрганилаётган мавзу (ҳал этилаётган муаммо) юзасидан шахсий фикрларини илгари суриш, фикрини асослаш, ўз позициясини ҳимоя қилиш ва бошқа кўникма, малакаларни ўзлаштиради; талабалар ўртасида қайтар алоқа юзага келади (бу эса шахснинг ижтимоийлашувида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга).

Ўқитувчи машғулотларда интерфаол методларни қўллаш орқали талабаларни жуфтлик, кичик гуруҳ ёки жамоада ишлашга, ижодий характердаги топшириқларни бажаришга, ижтимоий лойиҳаларни тайёрлаш ва уларни амалиётга татбиқ этишга, янги ўқув материални пухта ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга, мураккаб, баҳсли муаммо, масала ва саволларни биргаликда муҳокама қилиш, муаммоли вазиятларни ҳал этишга рағбатлантира олади.

Моҳиятига кўра интерфаол таълим анъанавий таълимдан фарқ қилади. Улар ўртасидаги асосий фарқ ўқитувчи ҳамда талабаларнинг таълим жараёнидаги ролларининг ўзгаришида қуйидаги тарзда **акс этади**:

Табиийки интерфаол таълим талабаларда интерфаолликни, яъни, билим, кўникма, малака, ахлокий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этиш лаёқатини ривожлантиради. Талабаларда интерфаолликни қарор топтиришда интерфаол методлар муҳим роль ўйнайди.

Хўш, интерфаол методларнинг ўзи нима? Улар бошқа методлардан қандай жиҳатларига кўра фарқ қилади? Қуйида шу хусусида сўз юритилади.

Интерфаол методлар – таълим жараёнида ўқувчилар ва ўқитувчи ўртасида ҳамкорликни қарор топтириш, фаолликни ошириш, таълим олувчилар томонидан билимларни самарали ўзлаштириш, уларда шахсий сифатларни ривожлантиришга хизмат қиладиган методлар [5:205]. Бу турдаги методларнинг амалий аҳамияти таълим олувчилар ўртасида жуфтлик (ўқувчи-ўқувчи), кичик гуруҳ (ўқувчи-ўқувчилар гуруҳи) ҳамда жамоа (ўқувчи-ўқувчилар жамоаси) ўртасида ҳамкорлик асосида билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга эришишни таъминлаш билан белгиланади. Интерфаол методлар “ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш, таҳлил қилиш, ҳулосалар чиқариш, ўз фикрини баён қилиш, уни асослаган ҳолда ҳимоя қила билиш, соғлом мулоқот,

мунозара, баҳс олиб бориш” борасидаги амалий кўникма, малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш имкониятига эгаллиги сабабли замонавий шароитда таълим тизимида улардан кенг, самарали, унумли фойдаланишга эътибор қаратилмоқда [3:63]. Айни вақтда республика узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида “Кейс-стади” (ёки “Ўқув кейслари”), “Моделлаштириш”, “Блиц-сўров”, “Ижодий иш”, “Муносабат”, “Режа”, “Сухбат”, “Ақлий ҳужум”, “Бумеранг”, “Галерея”, “Зиг-заг”, “Зинама-зина”, “Музёра”, “Ротация”, “Т-жадвал”, “Юмалокланган қор”, “Балиқ скелети”, “БББ”, “Концептуал жадвал”, “Венн диаграммаси”, “Инсерт”, “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?” каби интерфаол методлар [1] кенг қўлланилмоқда. Талабаларда инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантириш мақсадида интерфаол методларнинг деярли барчасидан фойдаланиш мумкин. Бинобарин, уларнинг айримлари инглиз тилида мулоқотни назарий жиҳатдан тўғри ташкил этиш малакаларини ривожлантирса, баъзилари бевосита мулоқотни амалда ташкил эта олиш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради. Қуйида интерфаол методлар [1] ёрдамида талабаларни инглиз тилига асосланган мулоқот жараёнига тайёрлаш ва бу жараёнда мулоқот маданияти сифатларининг намоён бўлиши хусусида тўхталиб ўтилади.

1. “Тоифалаш” методи. Ушбу метод талабаларни ўрганилаётган мавзу бўйича муҳим хусусият, жиҳатларни аниқлаш, уларни ифода этувчи маълумотларни бирлаштиришга ўргатади. Ушбу методни қўллашда талабаларда мантикий фикрлаш, муҳим хусусиятларни ёритувчи маълумотларни муайян тизимга келтириш кўникмаларини шакллантиради. Методдан фойдаланиш қуйидаги тартибда амалга оширилади: 1) ўқитувчи муҳим хусусиятларни аниқланиши лозим бўлган мавзу, масала ёки муаммони аниқлашди; 2) талабалар танланган мавзу (масала, муаммо) ҳамда “тоифалаш” методини қўллаш шартлари билан таништирилади; 3) талабалар кичик гуруҳларга бириктирилади; 4) кичик гуруҳларга аниқ топшириқлар берилади; 5) гуруҳлар топшириқни бажаради (мавзу моҳиятини ёритувчи муҳим хусусиятларни аниқлайди, уларни жадвал ёрдамида ифода қилади); 6) гуруҳлар ўз ечимларини жамоа эътиборига тақдим этади; 7) жамоа томонидан гуруҳларнинг ишлари муҳокама қилинади.

Методдан фойдаланишда талабалар қуйидагиларга эътибор қаратади: 1. Муҳим хусусиятлар (тоифалар)ни ёритишга нисбатан ягона талаб қўйилмайди. 2. Гуруҳларга бир хил топшириқ берилганда бир гуруҳнинг ечими иккинчи гуруҳнинг ечимидан фарқланиши мумкин. 3. Талабаларга ўқитувчи томонидан мавзу моҳиятини ёритувчи муҳим хусусиятлар ҳақида маълумот бериш мумкин эмас, муҳим хусусиятларни излаш жараёни ҳам уларнинг ўзлари томонидан амалга оширилиши шарт [1:69].

Дарс жараёнида “Тоифалаш” методини қўллашда кичик гуруҳларга қуйидаги топшириқ берилади: 1. Ушбу мурожаатларни қайси мулоқот жараёнида қўлланилишини аниқланг. 2. Ибораларни уларнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда гуруҳларга ажратинг (тоифаланг)!

1-жадвал. Мулоқот жараёнида қўлланиладиган иборалар

How is it going? Perhaps Exactly so Sorry, I meant well! See you soon! Quite so Till next time! I'm not sure Good luck! Very well! It's a great idea!	I agree with you How's life? How are things? Nice to see you. What's new? Take care! Have a safe trip! May I help you? This way, please! Long time no see! Absolutely	Thank you in advance! Don't worry about it! I don't think we've met. I've heard so much about you I believe so / suppose so Have a good weekend! Say hi to ...! Talk to you later! I agree with you I'm looking forward to it Of course / Sure I think I'll pass Until we meet again!
---	---	--

Метод билан ишлашда талабаларга қуйидаги йўналтирувчи маълумотлар берилади: Келтирилган иборалар саломлашиш, хайрлашиш ҳамда фикрни тасдиқлаш (ёки

инкор этиш)да ишлатилади. Сиз ибораларни ана шу уч ҳолат бўйича гуруҳ (тоифа)ларга ажратишингиз лозим.

Машғулотда ўқитувчи раҳбарлигида жамоа томонидан кичик гуруҳларнинг топшириқ бўйича ечимлари тингланади, ҳар бир ечим муҳокама қилиниб, энг яхши ечим, шунингдек, ечимлардаги ютуқ, камчиликлари аниқланади. Агарда кичик

гуруҳлар томонидан тақдим этилган ечимларда у ёки бу хатоларга йўл қўйилган бўлса, у ҳолда ўқитувчи ёрдамида жамоа иштирокида ягона ечим шакллантирилади. Ечим қуйидагича бўлиши мумкин:

2-жадвал. Мулоқот ибораларининг турли вазиятлар бўйича гуруҳланиши

Иборалар			
Саломлашишда қўлланиладиган	Хайрлашишда қўлланиладиган	Фикрни тасдиқлаш (ёки инкор этиш)да қўлланиладиган	Хушмуомалаликни ифодаловчи
How is it going? Long time no see! How's life? How are things? Nice to see you. What's new? I don't think we've met. I've heard so much about you	Till next time! See you soon! Good luck! Have a good weekend! Take care! Until we meet again! Have a safe trip! Say hi to ...! Talk to you later!	Perhaps Exactly so I'm not sure I believe so / suppose so Very well Quite so I agree with you Absolutely Of course / Sure	Sorry, I meant well! Thank you in advance! May I help you? This way, please! Don't worry about it! I think I'll pass It's a great idea! I'm looking forward to it

2. “Гугурт доналари” стратегияси. Мазкур стратегия ўқув материалларининг талабалар томонидан ўрганилган қай даражада эгалланганлигини аниқлаш мақсадида қўлланилади. Стратегия талабаларга ўқув материалларининг мавзусидан келиб чиққан ҳолда турли муаммолар масала ёки вазиятларни яратиш, мавзунинг асосий таянч тушунчаларини ажратиш олиш, уларни изоҳлаш, таҳлил қилиш, таърифлашда ёрдам беради. Шунингдек, стратегия машғулот давомида ҳар бир талабага турли топшириқларни индивидуал бажариш, унинг устида мустақил ишлаш имконини беради.

Стратегия қўлланилган машғулот талабаларни ўрганилган ёки ўрганилиши керак бўлган мавзу бўйича яқка ва кичик жамоа бўлиб фикрлаш, ўзлаштирилган билимларни ёдга олиш, тўпланган фикрлашни умумлаштириш, уларни ёзма равишда ёки расм, чизма, тасвир, схема, модел кўринишида ифодалашга ўргатади. Мазкур стратегия жуфтлик, кичик гуруҳлар ёки жамоада ташкил этилади. Талабалар тушунчаларни ёзма равишда таърифлайди ва уларни тақдимот асосида жамоага намойиш қилади.

Стратегияни қўллаш қуйидаги тартиби: 1. Ўқитувчи талаба (ёки кичик гуруҳлар)га гугурт доналари ёки оддий чўплардан истаганча танлаб олишни таклиф этади. 2. Талаба (ёки кичик гуруҳлар) ўз хоҳишига кўра гурурт доналари ёки оддий чўпларни танлайди. 3. Ҳар бир талаба (ёки кичик гуруҳ) танланган гугурт доналарининг сонига кўра мавзуга оид таянч тушунчаларни ажратиш кўрсатиб, уларга изоҳ берди ёки қоидаларни айтади.

Талаба (кичик гуруҳлар) томонидан танланган ҳар бир гугурт донаси биттадан тушунчани таърифлаш шартлигини аниқлатади. Талаба иккита гурурт донасини танлаган бўлса, у ҳолда иккита тушунчани ажратиш кўрсатиб, уларни

таърифлайди. Гурурт доналари сонининг ортиб боришига кўра тушунчалар сони ва уларга бериладиган таърифлар миқдори ҳам кўпайиб боради.

Инглиз тили дарсларида ушбу стратегияни ниҳоятда самарали қўллаш мумкин. Стратегияни қўллашнинг самараси қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади: 1) инглиз тилида грамматик, орфографик, синтаксис ҳамда морфологик ва лексик қоидаларни ўрганиш, уларни ифода этувчи муҳим тушунчаларни шарҳлашда; 2) муайян мавзулар бўйича назарий тушунчаларни туркумлаштиришда; 3) ўзаро мусобақа характеридаги машғулотларда; 4) инглиз тилидаги матнда қўлланилган янги атамаларни таржима қилишда.

Талабаларда инглиз тилида мулоқот маданиятини ривожлантиришда “Гурурт доналари” стратегиясини икки мақсадда қўллаш мумкин: 1) талабанинг назарий билимларини аниқлаш учун; 2) кичик гуруҳлар талабаларининг инглиз тилида мулоқотни самарали ташкил эта олиш ҳолатини баҳолаш учун.

Амалиётда стратегия кўпроқ талабаларни кичик гуруҳларга бирлаштирган ҳолда қўлланилади. Мисол учун машғулотларда кичик гуруҳларга шундай топшириқ берилди: 1. Гурурт доналаридан бир нечасини танланг! 2. Танлаган гурурт доналари миқдорида расмий мулоқотда қўлланиладиган ибораларни санаб ўтинг! (Бунда ҳар бир гуруҳ неча гурурт доналарини олган бўлса, уларнинг сонига тенг миқдорда расмий мулоқотда қўлланиладиган ибораларни санаб ўтади. М: 1-гуруҳ – 8 та, 2-гуруҳ 10 та).

Машғулотларнинг бирида гуруҳлар томонидан қуйидаги миқдорда расмий мулоқотда қўлланиладиган иборалар санаб ўтилди:

3-жадвал. Расмий мулоқотда қўлланиладиган иборалар

Расмий мулоқотда қўлланиладиган иборалар		
№	1-гуруҳ	2-гуруҳ
1.	Please have a seat.	Won't you please come in?
2.	Thanks for agreeing to meet with me.	Please, come in, won't you?
3.	Can I offer you something to drink?	Will you please come in?
4.	My pleasure.	Will you please follow me?
5.	I don't think we've met.	Will you come this way, sir?
6.	I am very sorry	I am very sorry.
7.	Is anything the matter?	I am sorry for being late.
8.	I hope you enjoyed the programme	Excuse me for being late.
9.		I regret that I was unable to...
10.		Tell me, please, do you remember him?

“Гурурт доналари” стратегиясининг яна бир амалий аҳамияти кичик гуруҳларни уларнинг ўзлари томонидан ифодаланган расмий мулоқотда қўлланиладиган ибораларнинг норасмий мулоқотдаги муқобилларини топишга ундаш имкониятини яратиши билан белгиланади.

Машғулотлардан бирида шундай йўл тутилди. Унга кўра кичик гуруҳлар 2-гуруҳ томонидан тавсия этилган ибораларнинг норасмий мулоқотдаги муқобилларини топишга оид топшириқни бажарди. Натижа қуйидагича бўлди:

4-жадвал. Расмий ва норасмий мулоқотда қўлланиладиган иборалар

Иборалар		
№	Расмий мулоқотда қўлланиладиган	Норасмий мулоқотда қўлланиладиган
1.	Won't you please come in?	Will you come in?
2.	Please, come in, won't you?	Won't you come in?
3.	Will you please come in?	Will you come in?
4.	Will you please follow me?	Will you follow me?
5.	Will you come this way, sir?	You come this way?
6.	I am very sorry.	I'm sorry.
7.	I am sorry for being late.	I'm sorry I'm late.
8.	Excuse me for being late.	I'm sorry I'm late.
9.	I regret that I was unable to...	I couldn't...
10.	Tell me, please, do you remember him?	You remember him?

Стратегияни қўллашда бошқа бир ёндашувдан ҳам фойдаланиш мумкин. Унга кўра кичик гуруҳларга норасмий мулоқотда қўлланиладиган бир неча ибораларнинг расмий мулоқотда қўлланиладиган муқобилларини топиш

топириги берилади. Машғулотлардан бирида шу тарзда иш қўрилганда жараён самарали кечди. Кичик гуруҳлардан бири топириқни қуйидаги тарзда бажарди:

5-жадвал. Норасмий ва расмий мулоқотда қўлланиладиган иборалар

Иборалар		
№	Норасмий мулоқот жараёнида қўлланиладиган	Расмий мулоқот жараёнида қўлланиладиган
1.	Come in and sit down.	Come in and take your sit, please.
2.	Come along.	Don't you mind, if you join us?
3.	Jump on.	Could you, please, express you critical view over this issue?
4.	Come on!	Continue, please!
5.	Up you go!	You should go upstairs, Sir!
6.	I'm sorry I'm late.	I am sorry for being late.
7.	It's (That's) O.K.	Don't worry! That's alright.
8.	Don't worry.	There is no need to worry.
9.	It's all right.	Don't worry! That's alright.
10.	Remember him?	Could you, please, tell me, do you remember him?

Шундай қилиб, интерфаол методлар ўқув жараёнида талабаларнинг билиш фаолиятини оширишга ёрдам беради. Шу сабабли замонавий шароитда таълим жараёнида улардан кенг фойдаланилмоқда. Интерфаол методлар талабаларда инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини шакллантиришда ҳам самарали саналади. Зеро, уларни қўллаш орқали талабаларда жуфтликда, кичик гуруҳларда ва

жамоода фаол мулоқотни ташкил этиш кўникмаларини ривожлантириш, уларнинг малакаларга айланишини таъминлашга эришиш мумкин. Қолаверса, интерфаол методлар талабаларда фикрлаш малакаларининг ривожланиши учун зарур шароит яратади. Шу сабабли ўқитувчилар инглиз тили дарсларида интерфаол методларни фаол, самарали қўллашга эътибор қаратишлари зарур.

Адабиётлар

1. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши. / Методик қўлланма. –Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ нашриёти, 2013.
2. Interaktivnie metodi. // www.wikipediya/.
3. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш. / Ўқув қўлл. –Тошкент: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2008.
4. Asqarova O'. va b. Pedagogika. Izohli lug'at /. –Toshkent: “Navro'z”, 2014.
5. Педагогика: но педагогик олий таълим муассасалари учун мўлжалланган дарслик. Иноят У.И., Муслимов Н.А., Рўзиева Д.И., Усмонбоева М.Х., – Тошкент: “Фан” 2012.

РЕЗЮМЕ

Мақолада интерфаол методларнинг дидактик аҳамияти, талабаларнинг ўқув-билиш фаоллигини оширишдаги роли кўрсатилган. Алоҳида эътибор талабаларда инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришда интерфаол методлардан фойдаланишга қаратилган. “Тоифалаш” методи ва “Тугурт доналари” стратегиялари ёрдамида талабаларда инглиз тилига асосланган мулоқот маданиятини ривожлантиришга оид мисоллар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается дидактическому значению интерактивных методов и их роли в повышении активности знаний. Особое внимание уделяется применению интерактивных методов в развитии культуры общения студентов на английском языке. Приводятся примеры методов “Категорирование” и “Спички” для развития культуры общения на английском языке.

SUMMARY

The article is devoted to the didactic importance of interactive methods and their role in enhancing the activity of knowledge. Particular attention is paid to the use of interactive methods in the development of a culture of communication of students in the English language. The author gives examples of methods of “Categorization” and “Matches” in the development of the culture of communication in the English language.